O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 18-NOYABR ■ SESHANBA ■ 134 (27.154) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



**18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун**

## КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Ҳар бир мамлакат рамзларида муайян даражада унинг тарихи, қадриятлари, дунёқараши акс этади. Давлат рамзларидан бири байроқ бўлиб, у юрт мустақиллигининг, куч-қудратининг тимсолидир.

Озод Ватанимизнинг байроғи қабул қилинганига ўн икки йил тўлди. Ўн икки йилдирки, миллатимизнинг музаффар ялови наинки мамлакатимизда, шу билан бирга, энг нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида етакчи давлатларнинг байроғи билан ёнма-ён ҳилпирамоқда. У миллат шон-шавкатининг ифодаси сифатида балқиб турибди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидаги Ўзбекистон элчихонаси узра ярқираб турибди давлатимиз байроғи. Халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган спортчиларимиз юртимиз байроғини ўпаётиб кўзларида ёш қалққанини кўрганмиз. Бу — табиий. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳақида гапирганда Президентимиз Ислом Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ керак. Binобарин, ҳали совет тузуми, унинг давлат рамзлари амал қилиб турган бир пайтда — 1990 йилнинг март ойида бўлган парламент сессиясида Ислом Каримов ташаббуси билан давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди.

Истиқлол бу йўналишдаги ҳаракатларга куч ва илҳом бахш этди. Мустақиллик эълон қилинганидан кўп ўтмай — 1991 йил 18 ноябрь куни Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

Буюк аждодларимиз ҳам байроқни муқаддас билишган, уни кўз қорачиғидек асрашган. Жанг пайти байроқни душманга олдириш мағлубият белгиси ҳисобланган. Душман байроғини сарнигун этиш эса унинг ўзини енгиш билан баробар саналган.

Ўзбекистон байроғидаги мовий, оқ ва яшил рангларда, ой ва юлдузларда халқимизнинг узоқ ўтмиши, орзу-истаклари, келажаги ўз ифодасини топган.

Ҳа, мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпираётган Ватан байроғи ҳар қандай юракни тўлқинлантира олади. Зотан, у Ўзбекистон тимсоли, миллатимиз ўтмиши, бугуни ва келажагининг рамзидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**✔ Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**



## БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

Ёдингизда бўлса, мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасида шу йил февраль ойида 2002 йил якунлари ва 2003 йил режаларига бағишланган мажлисда қилган маърузасида Тошкентдаги «Фотон» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятига яхши баҳо бериб, уни ибратли корхоналар сирасига қўшиб айтганди.

Дарвоқе, жамият меҳнат аҳли бугунги кунда ўзимизда тайёрланиши мумкин ва зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилаётган бир пайтда жуда катта хайрли ишларга қўл урмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти талабларига кўра савдо шахобчаларининг катта-кичиклигидан қатъи назар, барчаси замонавий назорат-касса аппаратлари билан таъминланиши шарт ва мажбурий қилиб қўйилган ҳозирги шароитда корхонада шундай машиналар ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши мақтовга моликдир. Ҳозир бу ерда республикамиз вилоятлари ва ҳатто қўшни минтақалардан тушаётган буюртмалар асосида тайёрланаётган шундай тур маҳсулотлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

— Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, — дейди назорат-касса машиналари ишлаб чиқариш цехининг илғор ишчиси Феруза Аҳмедова, — корхонамизда **«Биз кимдан каммиз? Нега бошқалар қилган ишни биз қилолмас эканмиз? Қила оламиз!»** деган шиор билан иш бошлаб, телевизор ишлаб чиқаришни ўзлаштиргандик. Бошида «Нодира», «Sony» русумли оқ-қора, сўнгра «FT» («Фотон — Тошкент») русумли рангли телевизорлар тайёрлашга ўтдик. Энг муҳими, улар жаҳон андозаларига мос даражада сифатли ва рақобатдош бўлиб, харидорлар учун нархи арзонлиги билан ҳам маъқул тушди.

Бугунги кунда замон талаби билан назорат-касса аппаратлари ишлаб чиқаришга ўтдик. Алоҳида цех, алоҳида малакали ишчи-хизматчилар ҳамда етук мутахассислар гуруҳи ташкил этилди. Ҳозир буюртма ҳам кўп, тайёрланаётган маҳсулотларимиз ҳам... Илгари бу аппаратлар мамлакатимизга фақат четдан келтириларди, энди эса ўзимиз тайёрлаяпмиз. Кимдан каммиз? Кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам...

Оддий ишчининг бурро-бурро бу сўзлари кимда ҳавас уйғотмайди, дейсиз? Хусусан, унинг сўнгги сўзлари замирида: **«бировнинг қўлига қараб турма, ўзинг ишла, ўзинг топ, ўзинг ярат!»** деган даъват ётганлигини илғаяпсизми? Аслида ички бозоримизни ўз имконимиз ва ўз меҳнатимиз билан бунёд этган маҳсулотларимизга тўлдириш учун бошланган бугунги саъй-ҳаракатларимиз замирида ҳам шу мақсад, шу мантиқ мустажоб эмасми?!

Айнан шундай. Биз кимдан каммиз? Ҳеч кимдан!

**Замон АЛИ**

❖❖❖

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган суратда суҳбатдошимиз — Феруза Аҳмедовани кўриб турибсиз.**

Кеча Тошкентда мамлакатимизда янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Анжуманга тўпланган уч юз нафарга яқин вакил янги сиёсий партиянинг Дастури ва Низомини қабул қилдилар.

## ЯНГИ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Шунингдек, партиянинг раҳбар органларини сайладилар ҳамда матбуот нашри сифатида «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасини таъсис этиш хусусида қарор қабул қилдилар.

Қурултойдан сўнг янги партия Сиёсий кенгашининг биринчи йиғилиши бўлди. Унда Сиёсий кенгаш ижроия қўмитасининг раиси этиб Қобилжон Тошматов сайланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯ



Сурхон воҳасидан топилаётган археологик ёдгорликлар жаҳон қадимшуносларини ҳамон ҳайратга солмоқда. Мана бир неча йилдан буён Термиз шаҳри тарихини ўрганишда француз ҳамда японийлик тарихчилар билан кўп ишлар қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходими, тарих фанлари номзоди Шокиржон Пидаев бошчилигидаги экспедиция аъзолари тадқиқотлар олиб бормоқда.



Экспедицияда француз археологи, профессор Пьер Лерени бошчилигида Париждаги Сорбон университетидан 13 нафар археолог олим Чингизтепа (Термиз шаҳар маркази)да қазилма ишларини олиб бормоқда. Улар Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тарихга эга эканлигини, бу эса қадимги ва ўрта аср ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутишини таъкидлашмоқда.

<u>Суратларда:</u> француз археологлари Пьер Лерени ва Сара Гавинсон иш устида; шаҳар марказидаги қазилма ишлари пайти.

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## АКАДЕМИККА ФАН АРБОБИ УНВОНИ

Қорақалпоғистонда илм-фанни ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг хизматлари беқиёс. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасида илм-фанни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан академия президенти, академик Беҳзод Йўлдошев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раёсатининг қарорига кўра «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони билан мукофотланди.

**Реймбей ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЯНА ЮЗТА ЯНГИ «МЕРС»



**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Олим Норбеков).** Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини йўловчилар ташиш автобуслари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, автобус паркларини қулай ва тежамли замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида хориждан умумий қиймати 37,42 миллион еврони ташкил этадиган уч юзта автобус ва эҳтиёт қисмларни босқичма-босқич келтириш белгиланган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналари арафасида дастлабки юзта автобус келтирилди. Улар ҳозир шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, яқинда Германияда ишлаб чиқарилган яна юзта «Mercedes-Benz Conekto 0 345» маркали йўловчи автобуси пойтахтимизга олиб келинди.

Таъкидлаш жоизки, немис диёрида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ўзининг сифати, атроф-муҳитга кам зарар етказиши ва бошқа қулайликлари билан йўловчиларга жуда манзур бўлмоқда. Улар мамлакатимиз шароитига мос келиши ва техник мустаҳкамлиги билан ўзини оқламоқда. Хусусан, шу русумдаги айрим автобуслар бир миллион километр масофани таъмирсиз босиб ўтган.

Келишувга мувофиқ, йил охирига қадар Германиядан яна юзта автобус келтирилади.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

## ЎЗБЕК ТЎНИ КИЙДИРИЛДИ

Бельгия пойтахти Брюсселнинг ўзига хос рамзи — бронзадан ишланган жажжи кичкинтой қиёфасидаги фаввора «Манекен пис» шаҳарнинг энг томошагоҳ ёдгорликларидан бири сифатида ҳар йили кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этади. 1619 йили бунёд этилган мазкур ҳайкалча Бельгия халқининг фахр-ардоғи бўлиб, унга махсус либос тикиш бир неча асрлардан буён миллий анъанага айланган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўзларининг миллий кийимларини Брюсселнинг «Манекен пис» музейига туҳфа этишган. Бугунги кунда ушбу музейда жаҳон халқларининг 700 дан зиёд либослари сақланмоқда.

Яқинда музей учун яна бир янги либос — Ўзбекистон миллий театри тикувчилик устахонасида махсус тикилган ўзбек миллий тўни туҳфа этилди. Шу муносабат билан Брюссель шаҳар ҳокимиятининг кўҳна қабуллар залида мазкур совғани тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Расмий маросимни «Манекен пис» дўстлари ассоциацияси раиси Ги Луазо жаноблари ўзбек тилидаги «ассалому алайкум» каломи билан очди. Брюссель ҳокими ўринбосари Брюно де Лиль шаҳар маъмурияти Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасининг ўзбек тўнини «Манекен пис» ёдгорлигига туҳфа этиш ташаббусини катта иштиёқ билан қўллаб-қувватлаганини таъкидлади.

У ерда тўпланган кўпсонли шаҳар аҳолиси ва чет эллик сайёҳлар ноёб манзара — ўзбек либосини кийган жажжи кичкинтойни томоша қилиш ва тасвирга тушириш имконига эга бўлишди. Мамлакатимиз совғаси энди Брюсселдаги «Манекен пис» музейи экспонатлари қаторидан жой олади ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни кўҳна ёдгорликка кийдирилади.

**Ж. МУТАЛОВ**
«Жаҳон» АА

## БУХОРОНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

ЭҲ, ҚАНЧАЛИК ОҒИР МЕҲНАТ ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛДИ, БУ 360 МИНГ ТОННАЛИК ҲОСИЛ..!

Бухоролик пахтакорлар бу кунни йиллар давомида юзлари орият ва ҳижолатдан лов-лов ёниб кутишди. Ахир, ўта шўрланган, насослар ёрдамидагина суғориладиган ерларда деҳқончилик қилиш машаққатларини уларнинг ўзидан бошқа ким ҳам биларди? Юртбошимизнинг қадим воҳага ташрифи чоғи **«Бухоронинг ҳар бир қарич ери деҳқоннинг пешона тери билан суғорилган»** деган сўзлари вилоят деҳқонларига осон эмаслигидан ёрқин далолат.

...Бир пайтлар кўмилиб кетган захкашлар кўзи очилиб, қайта таъмирланди. Янги канал ва коллекторлар қазилди. Ерларнинг мелиоратив холатини ишлаш борасида белгиланган тадбирлар қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилди. Деҳқонга чинакам эркинлик берилди. Унда ерга эгалик ҳисси оширилди.

**«Пахта — 2003»**



Самарани кўриб турибсиз: бу йилгидек мураккаб табиий шароитда Вобкент, Коғон, Бухоро, Пешку, Олот, Ромитан, Ғиждувон туманларининг мард, сўзи билан иши бир миришкорлари вилоят хирмонига, айниқса салмоқли улуш қўшдилар. Бир пайтлар қолоқлик домига тушган Коғон туманида бу йил давлатга пахта сотиш шартномавий режаси биринчи бўлиб бажарилди. Йиллар давомида маррага чиқиш орзуси армон бўлган Олот ва Ромитан туманларида туб бурилиш ясалди.

2-бет

## МАНФААТДОРЛИК БОР ЖОЙДА...

Тошкент вилоят пахта штабидан хабар беришларича, жорий йилда вилоят пахта далаларида етиштирилган ҳосилнинг 70-80 фоизи юқори навларга сотилди. Режани ёғин-сочинли кунларга қолдирмай бажарган ширкатлару фермер хўжаликларининг бу йил пахтачиликдан оладиган даромадлари юқори бўлиши кутилмоқда.

Чиноз тумани пахтакорлари йиллик шартномавий режани вилоятда биринчилардан бўлиб адо этишди. Оққўрғон, Қуйичирчиқ ва Янгийўл туманлари пахтакорлари ҳам марра томон тобора яқинлашмоқдалар. Вилоятнинг Янгийўл тумани пахта далаларида бу йилги мавсумда 15 минг теримчи ҳамда 11 та «Кейс» русумли пахта териш машиналари иштирок этди. Туманнинг «Ниёзбош», «Қовунчи» ва бошқа ширкат хўжаликларида йиллик шартномавий режа уддаланди. Ҳамроқул Турсунқулов номли ширкат хўжалиги пахта далаларида ҳосилдорлик ўртача 30-35 центнерни ташкил этди.

— Хўжалигимиз деҳқонлари жорий йилда 724 гектар майдонга пахтанинг «С-6524» нави уруғини қадаган эдилар, — дейди ширкат хўжалиги раиси Комилжон Жўраев. — Далаларимизда етиштирилган ҳосилдан бу йил 1995 тонна сифатли пахта хомашёсини етказиб беришга астойдил бел боғлаган 205 та пудратчининг 130 таси шартномавий режаларини бажардилар. Жорий йилда пахта ҳосилидан 400 миллион сўмдан зиёд даромад олишни кўзлаб турибмиз.

Дарҳақиқат, бу йилги йиғим-терим мавсумида кўп жойларда ташаббускорлик, ернинг ўз эгасини топганлиги, теримда иштирок этган деҳқону ҳашарчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш терим суръатига сезиларли таъсир кўрсатди. Манфаатдорликдан руҳланган деҳқонлар етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам қолдирмасдан йиғиб-териб олишга ҳаракат қилмоқда.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

**Футбол**

## МУҲИМ ҒАЛАБА

Терма жамоамиз Бангкокда Осиё чемпионатига саралаш босқичининг «А» гуруҳи иккинчи давра баҳсларида қатнашмоқда. Кеча ҳамюртларимиз гуруҳдаги асосий рақибларидан бири — Тожикистон терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди — 4:1. Тўпларни футболчиларимиздан Владимир Шишелов (иккита), Тимур Копадзе ҳамда Леонид Кошелевлар киритди. Маълумки, бу жамоаларнинг Тошкентдаги учрашувида ҳисоб очилмаганди.

Таиланд — Сяньган терма жамоалари ўйинида 4:0 ҳисоби қайд этилди. Эртага Ўзбекистон — Сяньган, Таиланд — Тожикистон терма жамоалари учрашади.

**Эркин ХОЛБОБО**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 698,58 | 1 Польша злотийси | 251,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1650,27 | 1 СДР | 1406,04 |
| 1 Дания кронаси | 154,96 | 1000 Туркия лираси | 0,66 |
| 1 БАА дирхами | 265,89 | 1 Швейцария франки | 737,47 |
| 1 АҚШ доллари | 976,49 | 1 ЕВРО | 1152,36 |
| 1 Миср фунти | 159,30 | 10 Жанубий Корея вони | 8,29 |
| 1 Исландия кронаси | 12,94 | 10 Япония иенаси | 89,45 |
| 1 Канада доллари | 749,01 | 1 Россия рубли | 32,75 |
| 1 Хитой юани | 117,98 | 1 Украина гривнаси | 183,14 |
| 1 Малайзия ринггити | 257,00 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

«Пахта — 2003»

# БУХОРОНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Итолмас ХЎЖАЕВ, Олот тумани ҳокими:**

— Йил бошида халқимиз билан очиқчасига ҳам, олотчасига ҳам гаплашиб олдик: «қолоқликдан чиқишимиз даркор, бўлмаса орият нима бўлади?»

Ўртага қўйилган ана шу кўндаланг савол ҳамманинг ориятини қўзғади: бугун хирмонимиз салмоғи 28877 тоннадан ошди.

...Керак бўлганда ношуд раҳбар кадрлардан воз кечилди, янгиларига ёрдам қўли чўзилди. Сарф-харажат устидан назорат кучайтирилди. Натижада «Зарафшон», «Оқ Олтин», «Гулистон» ва бошқа қатор ширкат хўжаликлари қаддини ростлаб олди. Чўл худудида жойлашган «Зарафшон» ширкат хўжалиги жорий йилда сурункали заифликдан қутулди. Янги раис С.Оққиев 115 гектар ғалла майдони, 500 гектар чигит экиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини обдон ўрганди. Сув таъминотини яхшилаш мақсадида 6 километр узунликдаги каналга бетон ётқизилди. 2 та «СНБ-500» русумли сув насоси сотиб олинди. 3 километр коллектор янгидан бунёд этилди. Эрта баҳорданоқ хўжаликда тўлиқ кўчат олишга эришилди. Дон ҳам, пахта ҳам мўл бўлди. 400 тоннага яқин дон, 1350 тонна пахта тайёрланди. Соҳалардан олинаётган даромад ҳисобидан иш ҳақидан сурункали қарздорликка барҳам берилди. Табиий газ, ичимлик сув муаммоси ҳал бўлмоқда. 3 та ўйингоҳ таъмирланди. Янги телефон автомат станцияси, қариялар чойхонаси ишга тушди.

Вобкент туманида пахтачиликда ўзига хос мактаб бор. Шу боис, бирор йил йўққи, туманда шартномавий режа бажарилмаган бўлса. Вобкентликлар бу йил ҳам 11394 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,1 центнердан ҳосил олдилар. Ҳозирга қадар, улар топширган пахта 37714 тоннага етди. Кўриладиган соф даромад 1,5 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Охунбобоев номли, И.Наимов номли, Ал-Бухорий номли, «Зарафшон», «Зарбдор» Р.Ҳусенов номли, М.Жўрабоев номли хўжаликларда эса даромад бултурги кўрсаткичдан 1-1,5 баравар ошиб кетди.

— Шу йилнинг ёзида Юртбошимиз бизнинг хўжалигимизда бўлиб, пахтакорларимиз меҳнати ва уларнинг яшаш шароитлари билан танишгандилар, — дейди **И.Наимов номли ширкат хўжалиги раиси Шуҳрат Қурбонов.** — Бу ҳаммамизни руҳлантириб юборди... Ернинг ҳақиқий хўжайини бўлган пудратчиларимиз ҳосилдорликни 40 центнергача етказдилар.

— Президентимиз билан бўлган ўша суҳбатда, — дейди шу **хўжалик пудратчиси Баҳодир Амонов,** — мамлакатимиз иқтисодиётида биз етиштираётган пахта қанчалик муҳим аҳамият касб этишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ўшанда биз ҳар гектар ердан камида 46 центнердан ҳосил оламиз деб ваъда бергандик: сўзимиз устидан чиқдик.

Ғиждувонда эса бугун қўшалоқ шодиёна. Зафар маррасини эгаллаган пахтакорлар буюк ватандошлари — Хожагон тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини ҳам ёруғ юз билан қаршиламоқдалар.

— Шу азиз юрт фарзанди эканлигимиз билан фахрланамиз, — дейди **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Насриддин МАҲМУДОВ.** — Пиру комилимиз насиҳат қилганидек, қўли ишдаю, кўнгли Аллоҳда бўлган тумандошларимиз ҳозир катта тўй арафасида... Тўйга тўёна қилиб, 37 минг 285 тонналик хирмон уйилди. Пилла, дон мўл-кўллиги таъминланди. Пахта ҳосилдорлиги 2001 йилга қараганда қарийб 6 центнерга, соф фойда эса 10 бараварга ошди. Жами даромадимиз 8 миллиард сўмни ташкил этаяпти...

Вилоятнинг бугунги катта хирмонида Қоровулбозор, Қоракўл, Жондор, Шофиркон туманлари пахтакорларининг ҳам ҳиссаси бор. Гарчи, мазкур туманларда кўзланган натижаларга бекаму-кўст эришилмаган бўлса-да, илғор жамоалар талайгина. Масалан, Шофиркон туманидаги Нормурод Ҳамроев номли ширкат хўжалиги ғолибликни етти йилдан буён ҳеч кимга бермай келмоқда. Сабаби, бу ерда раҳбардан тортиб, пудратчигача умумишга масъуллик ҳисси қарор топган.

— Шу боис ҳар йили юзимиз ёруғ, — дейди **хўжалик раҳбари Дилмурод Элов.** — Қабул масканларига 3270 тонна қимматли хомашё сотдик. Даромадни айтсам мақтаниш бўлар. Теримчиларга мавсумда 89 миллион сўм иш ҳақи бердик. Режадан ортиқча топширган пахтамиз учун 20 фоиз устама ҳақ ҳам оламиз: қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Бухоро деҳқонлари ғалабаси замирида ҳашарчиларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Об-ҳаво дам сайин ўзгариб турган сўнгги кунларда шаҳарлик ишчи-хизматчилар, талабалар пахтакорларга мададкор бўлишди. Улар вилоятнинг Қоровулбозор, Когон сингари қатор туманлари далаларида астойдил меҳнат қилишди.

Бухоронинг 2003 йил «оқ олтин» хирмони рўй-рост тикланди. Навбат — улуғ боболонимиз — Хожаи Жаҳон ҳазратлари таваллудининг 900 йиллик анжуманига.

Бошинг тўйдан чиқмасин, Бухоро!

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

# СОБИҚ ТУЗУМГА САДОҚАТ НАМУНАСИ...МИ?

## ЁКИ ЎТМИШНИ ҚУМСАШМИ, ЎЗЛИКНИ УНУТИШМИ, НОДОНЛИКМИ?..

Дунёда одамзотни лол қолдирадиган, сиру синоатга тўла воқеа-ҳодисалар оз эмас, албатта. Бунақа ғаройиб воқеаларга дуч келсанг ажабланасан, ҳаяжонланасан, ҳайратга тушасан ва «ҳа, энди шунақаси ҳам бўларкан-да», деб ўтиб кетаверасан. Аммо шундай воқеалар ҳам бўладики, кўриб туриб муносабат билдирмай, индамай кетолмайсан.

Масалан, тасаввур қилинг, сиз алоқани аллақачон узган, «илоҳо, юзингни бошқа кўргулик қилмасин», дея видолашган киши орадан ўн икки йил ўтиб, осмондан тап этиб тушгандай бўлиб, уйингиз ёки ишхонангизга кириб келса-я... қандай ҳолга тушасиз?

Табиийки, шошиб қоласиз, «ё алҳазар» деб ёқа ушлайсиз, кўзингизга ишонмайсиз. Яқинда таҳририятимизда шунга ўхшаш ҳодисанинг гувоҳи бўлдик.

... Бундан бир ойча муқаддам В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдиган икки фарзандли ёлғиз аёлдан таҳририятимизга шикоят келганди. Аризачи касалманд болалари билан 2-ётоқхонанинг шароити ночор хонасида яшаётганидан нолиб, бошқа яхшироқ хона ажратилишига ёрдам кўрсатишимизни сўраганди. Биз хатни кўриб чиқиш учун бирлашма раҳбариятига юборгандик.

Куни кеча бирлашмадан келган жавоб хатини кўриб, (ҳа, кўриб, ҳали ўқимасданоқ) довдираб қолдик. Юрак орқага тортиб кетгандек бўлди. Кўзларимизга ишонмай қайта-қайта хатга тикилдик. «Наҳотки, наҳотки... қайси ақл-фаросат билан бунга журъат этишдийкин? Ё тавба...»

Мана, жавоб хатига ўзингиз ҳам қаранг, ҳурматли газетхон. Корхонанинг расмий бланкаси(хос иш қоғози)га кимнинг, нималарнинг тасвири муҳрланган? Иккита Ленин ордени... Октябрь революцияси ордени... Меҳнат Қизил байроқ ордени... Орденнинг юқори қисмидаги Қизил байроқ устида СССР деган ёзув!..

Яна бир ажабланадиган, аниқроғи ақлга тўғри келмайдиган жойи — бу орденлар тепасида мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат Герби турибди. (!?) Буни қандай баҳолаш мумкин? Майнавозчиликми, нодонликми?.. Нима дейишни ҳам билмайсан киши.

Икки бетдан иборат хат охирида шундай имзо бор: **«Директор по социально — бытовым вопросам ГАО «ТАПОиЧ» А.В.Рахманов».**

Ўзбек тилида чиқадиган газетанинг ўзбек тилида юборган (ариза ҳам ўзбек тилида эди) жавобига рус тилида жавоб қайтарилгани ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Жаноб **Рахманов** ўзбек тилини яхши билмаслиги мумкин... русча ўқиб, шундай муҳитда ўсгандир, бунақалар йўқ эмас. Аммо Рахманов ва корхонанинг бошқа раҳбарлари наҳотки, бундан 12 йил илгари Ўзбекистон мустақил бўлгани, биз «пролетар доҳийси Ленин»дан, Октябрь революциясидан, Қизил байроқлардан абадулабадга воз кечганимиз, пойтахт марказидаги бош майдондан «доҳий»нинг баҳайбат ҳайкалини бўлакларга бўлиб олиб, «металлом»га топширганимизга ҳам ўн икки йил бўлгани, бугун мамлакатимизнинг бирор бурчагида Ленин ҳайкали ҳам, номи ҳам қолмаганини билишмаса?..

Билишга-ку билишар, аммо бугунги ҳаётни тан олгилари келмаётганмикин, Лениндан, Совет ҳукуматидан кўнгил узолмаётганмикин? Акс ҳолда «доҳий»га, шўро давлати орденларига бунчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмаган бўларди.

Бу гапларни очиқ айтаётганимиз А.В.Рахмановга ёқмаслиги аниқ, албатта. «Бу бланкани корхонанинг мендан катта раҳбарлари тайёрлатишган, менда айб нима?» дейиши мумкин. Тўғри, шундайдир, лекин, Рахманов ҳам раҳбар-ку?! Бу бемаъниликка ўз эътирозини билдириши ёки бундай қоғозга имзо чекишдан ор қилиши мумкин эди-ку.

Ҳа, мумкин эди, аммо бунинг учун одамда аввало миллий ғурур бўлиши керак. Бунинг учун одам Ленин кимлиги ва совет ҳокимияти нималигини билиши керак. Мустақиллик қандай неъмат эканлиги, биз уни нега «Энг азиз, энг улуғ» дея эъзозлашимизни озроқ бўлса-да фаҳмлаши керак.

Лениннинг касофати, совет давлатининг қонхўр сиёсати оқибатида нафақат биз, ўзбеклар, аввало рус халқининг ўзи ҳам ва дунёдаги бошқа кўплаб халқлар озмунча жабр кўрдими?! Миллионлаб бегуноҳ одамлар отилди, дорга осилди, қатағон қилинди. Бутун-бутун халқлар ўзлигидан ажратилиб, қул қилинди. Агар Рахмановга мисол керак бўлса, узоққа бормай рус ёзувчилари Лениннинг ёвузликлари ҳақидаги бугунги ёзаётган асарларига кўз югуртирсин. Бир мисол, бундан 10-15 кун илгари Россия телевидениеси шу мавзуда кўп қисмли ҳужжатли фильмни намойиш этди. Унда 1917 йилда Ленин бошчилигида Россияда амалга оширилган давлат тўнтариши, унинг оқибатлари ва уй қамоғида сақланиб турган Николай-IIнинг оиласи қандай отиб ташлангани ҳақида ҳикоя қилинади: норасида болалар кўз ўнгида ота ўлдирилади, сўнгра она ва болалар ўққа тутилади, уларнинг танасига милтиқ найзалари санчилади...

Ўзбекистонда ҳам Ленин топшириғига кўра, совет ҳукуматини зўрлаб ўрнатиш учун қанчадан-қанча ваҳшийликлар содир этилди. Қадим шаҳарларимиз, бебаҳо тарихий ёдгорликларимиз кули кўкка совурилди. Эрким, халқим, миллатим деганлар аёвсиз отиб ташланди. Совет тузуми, КПСС Марказий Комитети ўтказган зулм ва зўравонликларни, бошимизга солган кулфатларни халқимиз ҳали унутгани йўқ, унутмайди ҳам.

Мана, энди, яна бир бор ўйлаб кўрайлик: Ленинга, совет ҳукуматига кўрсатилаётган бу эътибор, садоқат нимани англатади? Юрт, миллат озодлиги йўлида жон фидо этганлар хотирасига хиёнат эмасми бу, гуноҳи азим эмасми бу?.. Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш учун туну кун ҳаловат билмай, жонини жабборга бериб меҳнат қилаётганларга нисбатан ҳурматсизлик эмасми бу?

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиздаги энг йирик, энг нуфузли корхоналардан бири ҳисобланади. Самолётсозлар меҳнати иқтисодиётимиз юксалишига катта ҳисса қўшаётганига ҳеч шубҳа йўқ. Ана шундай корхонага Мустақилликка, Ватанга нисбатан бундай муносабат ярашадими, муносибми?

Шу ўринда кимнингдир кўнглидан «шу битта бланкага шунча ғавғоми?» деган фикр ўтиши мумкин. Тўғри, айрим масалаларда жим туриш, сукут сақлаш, кўриб туриб «менга нима» дея кўрмасликка олиш мумкиндир. Лекин, гап оддий бир бланка безаги ҳақида эмас, балки ота-боболаримиз ҳаётларини. жонларини тиккан, узоқ курашлар, беҳисоб қурбонлар эвазига эришилган энг улуғ, энг азиз неъмат — Мустақиллигимиз ҳақида, унинг қадри ҳақида кетаяпти. Миллий ғурур, ор-номус ҳақида кетаяпти. Бундай пайтда сукут сақлаш, андишага бориш, муроса қилиш ҳам хиёнат эмасми? Масалага кенгроқ тўхталганимизнинг яна бир боиси мулоҳазалардан Рахмановга ўхшаган бошқалар ҳам хулоса чиқариб олишар деб ўйладик.

**Сафар ОСТОНОВ, Бош муҳаррир**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

"В.П. ЧКАЛОВ номли ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

700016, Тошкент шаҳар, Элбек кўчаси, 61.
Теллеграф коди - Труд
Теллекс: 116475 TAPO SU. Факс: 680318.
Тел.: (3712) 36-11-67

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

ГОСУДАРСТВЕННО-АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "ТАШКЕНТСКОЕ АВИАЦИОННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ОБЪЕДИНЕНИЕ имени В.П. ЧКАЛОВА" (ГАО "ТАПОиЧ")

700016, г. Ташкент, ул. Элбек, 61
Телеграфный код - Труд
Телекс: 116475 TAPO SU. Факс: 680318.
Тел.: (3712) 36-11-67

10.11.03г. № 193-100к

На 10-3-53 от 07.10.2003г.

Директор по социально-бытовым вопросам ГАО "ТАПОиЧ" А.В.Рахманов

# ТАЛАБАЛАР ҲУНАР ЎРГАНМОҚДА

Қувасой саноат касб-ҳунар коллежи 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда тикувчилик мутахассислиги бўйича 210 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Улардан 50 нафари келаси йил битириб, енгил саноат корхоналарида ўз меҳнат фаолиятини бошлайди.

Бугунги кунда коллеж республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази орқали «Пфафф Зингер» компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур компания Швейцариянинг дунёга машҳур «Бернина» компаниясида ишлаб чиқарилган тикув машиналарини етказиб берди. Бир йўла 30 нафар талабани бир вақтнинг ўзида ўқитиш имконини яратди. Бугунги кунда коллеж ўзаро шартнома тузган корхоналар буюртмаси эвазига 10 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрди. Олинган даромадлардан 2 та автобус ва бир енгил автомобиль харид қилинди.

Айни пайтда коллеж талабалари йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланган буюртмачиларга пахта терадиган фартуклар, ҳарбийлар учун ички кийим, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва кўплаб бошқа маҳсулотлар тикиб, етказиб бермоқдалар. Шунингдек, «Баркамол авлод» республика ўйинларида иштирок этган вилоят жамоаси учун спорт кийимлари тикилди.



**Суратда:** талабалар Жамила Аҳмедова ва Ҳилола Қосимова иш пайтида.
**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Анжуман

# РАМАЗОН ҲАЙИТИГА ТАРАДДУД

Кеча Миллий матбуот марказида «Рамазон ҳайити муносабати билан мусулмонларга яратилаётган шарт-шароитлар» мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим Миноваров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Халқаро алоқалар бўлими мудири Абдулла Исмоилов, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар Турсунов ва бошқа дин арбоблари иштирок этдилар.

Нотиқлар «Рамазон ҳайити» мустақиллигимизнинг илк йилидаёқ дам олиш куни қилиб эълон қилинганини мамнуният билан эслаб ўтдилар. Айни пайтда фаолият юритаётган 2000 га яқин масжидларнинг 90 фоизи жомеъ масжидлар бўлиб, улар ўз ичига беш миллионга яқин намозхонни сиғдира олади. Барча масжидлар овоз кучайтириш мосламалари билан таъминланган. Рамазон ойи давомида барча масжидларда таровиҳ намозлари ўқилаяпти, хатми Қуръонлар қилинаяпти. Уни амалга ошираётган қорилар миллий кадрлар бўлиб, илгари улар чет давлатлардан таклиф этилар эди.

25 ноябрь куни бўладиган ҳайит намозига ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, масжидлар атрофини ободонлаштириш, ёнғинга қарши воситаларнинг созлиги, намозхонлар хавфсизлигини таъминлаш, масжидлар ёнида ўт ўчириш ва «тез ёрдам» машиналарининг мавжуд бўлиши, намозхонлар автоуловини қўриқлаш, кўчаларни ёритиш билан боғлиқ барча ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар транспорти оддий иш кунидаги каби ҳаракатланади. Хуллас, намозхонлар эмин-эркин ибодат қилишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилади. Масжидларга тушган хайрия маблағлари кам таъминланган оилалар ва муҳтожларга етказиб берилади.

Брифингга ташриф буюрган миллий ва чет эл ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистонда диндорлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида тўлиқ маълумот олдилар.

**Бобо САРОЙИЙ**

Банк ва мижоз

# МАҚСАД МУШТАРАК

## АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК» ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДА

Банкнинг «Караул» бўлимига кириб келган хусусий тадбиркор Мақсуда Абдуллаева бир оздан сўнг хурсанд кайфиятда чиқди. У қувончини яширолмасди:

— Биласизми, ўтган йилнинг 15 августида имзоланган кредит шартномага кўра, бир йил муддатга дори-дармон олиб келиб сотиш учун 50 миллион сўм, йиллик 32 фоиз тўлов ҳисобидан банкдан кредит олувдик. Кейин «Аббосбек» хусусий дорихонамизга барча турдаги дори-дармонларни олиб келиб сотдик. Ҳозир вилоятдаги кўпчилик дорихоналар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

— Даромад қандай, даромад? Харидор серобми?

— Албатта. Дорихонамиз икки қаватли. Урганч тумани марказий бозори ёнида. Дори-дармонга эҳтиёжманд одамларнинг кети узилмайди. Биринчидан, одамларга ёрдамимиз тегаётганидан хурсанд бўлсак, иккинчидан, бизнесимиз ривож олаяпти. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ 182571 минг сўмлик савдо қилдик. Соф фойда 8274 минг сўм бўлди. Банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартнома шартлари ҳам юз фоиз бажарилди. Ҳозиргина банкдагилар «Аббосбек» хусусий дорихонаси ишончимизни қозонган мижозлар қаторидан жой олди, деб хабар беришди. Бугун банкдан яна 10 миллион сўм кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирамиз...

Бошқарма фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан «Пахта банк» Караул бўлими 2003 йил 26 июнда Илҳом Оллоберганов раҳбарлигидаги «Афри» МЧЖга кредит шартномасига кўра 1 йил муддатга яхна ичимлик ишлаб чиқариш учун хомашё олишга 18000 минг сўм, (йиллик 30 фоиздан) кредит ажратиб, ана шу кредит ҳисобига 21 ишчи ўрни ҳам яратилганди. Ҳозир, жамият 6 турдаги (кола, апельсин, нок, қулупнай, олма, минерал сув) ичимликлари ишлаб чиқармоқда.

Яна бир мижоз — «Hotel Asia Khiva» шўъба корхонасига ҳам юртимиз меҳмонларига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида «Хива» шаҳрида «тўрт юлдуз»ли жаҳон андозалари талабларига мос меҳмонхона қурилиши учун «Бизнес — Фонд» маблағлари ҳисобидан (2003 йил 19 сентябрда тузилган узоқ муддатли кредит шартномасига асосан) 386 000 минг сўмлик босқичли кредит ажратилди. Ҳозир меҳмонхона қурилиши жадал давом этмоқда.

**Бошқарма фаолиятидан ҳикоя қилувчи дафтардан кўчирмалар:**

«...Янгибозор бўлими томонидан «Очил-ота» фермер хўжалигига 2003 йил 25 апрелда имзоланган кредит шартномасига асосан чорвачилик фермасига чорва моллари ва «Енисей-1200» русумли комбайн сотиб олиш учун 3 йил муддатга, 27700 минг сўм, (йиллик 15 фоиздан) кредит ажратилди. Ҳозирги мазкур хўжаликда 85 бош қорамол боқилмоқда. 6 та янги иш ўрни яратилди...».

«...Караул» бўлими «Қодир-чорва» фермер хўжалигига (2002 йил 29 августда имзоланган кредит шартномасига кўра) 3 йил муддатга ғишт ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиши учун 20000 минг сўм, (йиллик 15 фоиздан) кредит берди. Ускуна март ойида ишга тушди. Ўнлаб янги иш ўринлари очилди. Урганч тумани ва вилоятнинг бошқа ҳудудлари аҳолисининг ғиштга бўлган эҳтиёжи баҳоли-қудрат қондирилиши имкони туғилди. Масалан, корхона жорий йилда 18900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Олинган соф фойда 3240 минг сўмни ташкил этди. «Кредит шартномаси» шартларини 100 фоиз бажарилмоқда...»

«АТ «Пахта банк» Янгибозор бўлими Жабборберган Отажонов бошлиқ «Ёғду» фирмаси билан 2003 йил 16 апрелда кредит шартномаси имзолади. Муддати 3 йил. 12000 минг сўмлик омухта ем ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олинади. Кредит йиллик 15 фоиздан ажратилди. Бунинг эвазига 16 та ишчи ўрни яратилади...»

**Бизнинг изоҳ:**

Кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) субъектлари билан банк муносабатини янада чуқурлаштириш ва улар фаолиятига яқиндан ёрдам бериш мақсадида бошқармада кредитлаш бўлими ишлаб турибди. Бўлимнинг асосий мақсади — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг кредит ресурсларига бўлган талабини тўлақонли қондириш ва бу ҳақда банк кредит қўмитасига таклифлар бериш... Умуман олганда, ҳар бир бўлимда тадбиркорлик бурчаклари ташкил қилинган бўлиб, тадбиркорлар у ердан ўзларига керакли маълумотларни олишлари, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан танишишлари ҳамда ўз ишларини яхшилаш юзасидан малакали мутахассислар тавсияларга эга бўлишлари учун қулай шароитлар яратилган. Бу ерда янги иш бошлаётган тадбиркорларга биринчи навбатда бизнес режани аниқ кўзланган мақсадлар асосида тузиш, шартномаларни фақат ишончли ҳамкорлар билангина имзолаш, уларда ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олишни кўзда тутиш ва кредитларни мақсадли ишлатиш ҳақида тушунчалар, кўрсатмалар берилади.

ХДП хабари

# КОНСТИТУЦИЯ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎзХДП Сирғали туман кенгашида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкиллаштириш тўғрисидаги фармойишидан келиб чиқадиган вазифаларни адо этиш масалаларига бағишланган ўқув машғулотлари мунтазам ўтказилмоқда.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта эканлиги шубҳасиз.

Шундай тадбирлар тумандаги рангли метални қайта ишлаш корхонаси ва «Дўстлик», «Мустақиллик» маҳаллаларида бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциямизнинг инсонпарварлик ғоялари асосида таркиб топганлиги ва яна унга шу нуқтаи назардан ўзгартиришлар киритилганлигини таъкидлаб, уни ўрганиш ҳамда ёш авлод онгига сингдириш барчанинг бурчи эканлигини эътироф этдилар.

**Зуҳра ҲАКИМОВА**

# БРИТАНИЯ КЕНГАШИНИНГ ЁРДАМИ

Яқинда Қорақалпоғистонда меҳмонда бўлган Британия кенгашининг директори жаноб Невилл МакБэйн республика сил касалликларига қарши болалар санаторийсида бўлиб, бу ерга ёрдам беришни билдирган эди.

Кўп вақт ўтмасдан ёрдам етиб келди. Британия кенгаши дарсликлар сотиб олиш учун 1 миллион 220 минг сўм, кўрпа-тўшак сотиб олиш учун 2 миллион 600 минг сўм ва 955 минг сўмлик компьютер совға қилди.

Огоҳликка даъват

# ТЕРРОР — ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ

Террор — инсониятга қарши қаратилган ёвузлик. Уни инсоннинг ўзи инсонга қарши содир этади. Нега? Бу билан нимага эришиш мумкин? Террордан фақат тинч, осойишта халқ азият чекади. Шунинг учун ҳам биз террорни қоралаймиз, ундан нафратланамиз.

Ер юзида бирор-бир кун йўққи, террор содир этилмаган бўлсин, бирор-бир кун йўққи, ундан инсоният азият чекмаган бўлсин. Дунёнинг ҳали у бурчида, ҳали бу бурчида юз бераётган портлашлар одамларни қанчалик сергаклантирмасин, барибир ғафлат уйқуси панд бермоқда.

Куни кеча Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Неве-Шалом ва Бет-Исраэл синагоглари (яҳудийлар ибодатхонаси)да содир этилган террорчилик актлари ҳам одамзотга яна бир сабоқ бериши лозим.

Портлашда қурбон бўлган 24 кишининг ёки турли даражада тан жароҳати олган 300 нафар кишининг айби не эди? Уларнинг оиласи, бола-чақалари энди ким томон бўлсин, кимни қораласин? Адоғи йўқ саволларнинг жавобини ким беради?

Туркия ташқи ишлар вазири Абдулла Гулнинг таъкидлашича, бу экстремистик хунрезликда «халқаро излар» ётибди. «Бу бизнинг сиёсатимизга ўз таъсирини ўтказолмайди. Биз терроризмга қарши қақшатқич кураш олиб бораверамиз», деди у.

Портлаш шанба куни одамлар эрталабки ибодатга йиғилган пайтда содир этилган. Ибодатхона олдида портловчи моддалар тўлдирилган 2 та машина террорчи-камикадзелар томонидан портлатилган.

Мазкур воқеа бўйича жавобгарликни «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти ўз бўйнига олган, дейилади Associated Press агентлиги хабарида. Маълум бўлишича, Лондонда чиқадиган араб газеталаридан бири — ал-Quds ал-Arabi таҳририятининг электрон почтасига «Ал-Қоида» тармоқларидан бири «Абу Хафз ал-Масри бригадаси»дан хат келган. Унда айтилишича, синагогда Исроилнинг «Моссад» разведкаси агентлари борлиги гумон қилиниб, террорчилар томонидан портлаш содир этилган. Аввалроқ Туркиянинг Anatolia ахборот агентлиги жавобгарликни Туркиядаги «Буюк Шарқ ислом қўзғолончилари фронти» гуруҳи бўйнига олганлиги ҳақида хабар тарқатган эди.

Туркия оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, 1999 йил полиция бу гуруҳни таниқли олим Аҳмад Танирни ислом фундаментализмини танқид қилгани учун ўлдирганликда айблаган.

Ҳозир иккала портлаш харобаларида Туркия махсус хизмати ва қутқарувчилар қутқарув ишларини давом эттирмоқдалар.

Якшанба куни Ироқ пойтахти Бағдодда ҳам бир неча кучли портлашлар содир этилган. Улардан учтаси Бағдоднинг ғарбий қисмида юз берди.

Ироқдаги Америка маъмурияти хабар беришича, булар ҳозирги кунда коалиция кучлари томонидан «Темир болға» номи билан қўзғолончиларга қарши ўтказилаётган операцияга қарши уюштирилган.

Reuters агентлиги маълум қилишича, битта портлаш АҚШ муваққат маъмурияти штаб-квартираси ёнида юз берган. Жабрланганлар йўқ. Мосул шаҳридаги микроавтобусда содир этилган портлаш оқибатида эса тўрт нафар ироқлик яраланган.

Кўриниб турибдики, бу террорчилик актларида ҳам тинч аҳоли жабрланган. Бу эса террор ташқи душмандан хавфли эканлигини исботлаб турибди. Негаки, ташқи душманни кўрасиз, биласиз, сезасиз ва унга қарши курашга ўзингизни чоғлайсиз. Террорчилар эса сиз билан бизнинг ичимизда юради, мақсадини амалга оширади. Уни ўз пайтида илғаб олиш учун ҳар биримизга биринчи галда огоҳлик зарур. Шундагина тинчликни, осойишталикни сақлаб қолган бўламиз.

**Алимқул СУЛТОН**

## ПАРЛАМЕНТ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

Сербия Президенти вазифасини бажарувчи ва парламент спикери Наташа Мичич бош вазир Зоран Живкович топшириғига кўра, Сербия скупшинаси (парламенти)ни тарқатиб юборди.

Сабаб: скупшина уч йиллик фаолияти давомида «ўзининг демократик куч ва имкониятларини, ислоҳий қудратини» намоён этолмади. Шунинг учун ҳам ваколат муддати тугашидан бир йил олдин тарқатиб юборилди.

Муддатидан аввалги скупшина сайловларини ўтказиш 28 декабрга белгиланди.

Бундан ташқари якшанба куни президентлик сайловлари ҳам бўлиб ўтади. Бу тадбирлар Милошевич лавозимидан кетгандан кейинги ҳукуматдаги уч йиллик «вакуум»дан қутулишга имкон яратади. «Бу Сербиянинг демократия йўлига чиқиб олиши учун сўнгги имкониятдир», деди Наташа Мичич.

Президентлик сайловларида, — дея аниқлик киритади АР агентлиги мухбири, — фахрий сиёсатчи Драголюб Мучинович ҳамда Сербия радикал партияси раиси Томислав Николич ўзаро кураш олиб борадилар.

Эслатиб ўтамиз: аввал ўтказилган иккита сайлов ҳам белгиланган миқдорда сайловчилар қатнашмаганлиги боис барбод бўлган эди.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚЧИ ЭМАС, НЕГАКИ...

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакатдаги сиёсий танглик юмшамас экан, истеъфога чиқиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини билдирди. «Ҳозир биринчи галда танглиkдан чиқиб, янги парламент фаолият бошлаши учун имконият, шароит яратиш зарур. Ана ундан сўнг менинг истеъфога чиқишим ҳақидаги мурожаатномага имзо чекишим мумкин», деди Президент муҳолифатдаги «Миллий ҳаракат» ва «Бурҷанадзе-демократлар» блоклари томонидан Шеварднадзе истеъфосини талаб қилиб йиғилган имзоларни шарҳлаб бериш ҳақидаги журналистлар саволларига жавобан.

Шу кунларда Президентнинг истеъфога чиқиши масъулиятсизликдан ўзга нарса эмас, негаки, бу мамлакатни бошқариб бўлмас даражага олиб келади, дея ҳисоблайди Э.Шеварднадзе. У парламентга сайловлар бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлади. Қонун бўйича унинг биринчи мажлиси 22 ноябрга белгиланиши мумкин. Лекин, вазият...

Президент яна шуни қўшимча қилдики, дея ёзади ИТАР-ТАСС агентлиги, «Агар Грузиянинг 2-3 миллион аҳолиси Шеварднадзесиз ҳам мамлакат гуллабяшнашига ишониб, шунга қарор қилса», у ҳолда Президент истеъфога чиқиши ҳақида ўйлаб кўради.




## НИЗОМГА АСОС СОЛИНДИ

Хитой пойтахтида якунланган Осиё-Тинч океани ҳудудидаги давлатлар вакиллари ишчи гуруҳининг иккинчи учрашувида Осиё-Тинч океани ҳудуди давлатларининг фазо тадқиқотларида ҳамкорлик қилиш ташкилотига асос солинди ва низоми ишлаб чиқилди.

Учрашувда Хитой, Бангладеш, Покистон, Эрон, Малайзия, Монголия, Перу, Филиппин, Таиланд, Чили, Бразилия, Украина, Жанубий Корея ва Россиядан вакиллар ва кузатувчилар қатнашди. Фазовий тадқиқотда АҚШ билан қалин ҳамкорлик қилаётган Япония эса мазкур ташкилотни тузиш жараёнида иштирок этмади.

Аслида 1992 йили Хитой, Покистон ва Таиланд ушбу халқаро фазовий ташкилот тузиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Мана энди Хитой, Таиланд, Покистон, Малайзия ва Бангладеш биринчилардан бўлиб ташкилотга аъзо бўлдилар.

Ташкилотнинг амалий фаолияти 2004 йил иккинчи ярмидан бошланади.

## ЭЛЧИХОНА ИШ БОШЛАДИ

Саудия Арабистонида АҚШ элчихонаси қайтадан ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда Америка дипломатлари Reuters агентлигига маълум қилдилар.

Элчихона мамлакат пойтахти Ар-Риёдда содир этилган террорчилик актидан сўнг ёпилган эди. Ўшандаги портлаш 18 кишининг умрига зомин бўлган.

Элчихона бир ҳафта давомида ишламади.

Шарҳловчи минбари

# ЎЗ ЎРНИ ВА ОВОЗИ БИЛАН

1

Дунё сиёсати ўзгарувчан. Манфаатларга қараб вазиятлар ўзгариб туради. Яъни, манфаатлар уйғунлашган жойда вазият юмшайди, манфаатлар тўқнашган жойда эса аксинча — кескинлашади. Агар масалага геосиёсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, кўп жойларда вазият кескинлашганлигини кўрамиз. Жумладан, ер юзининг кўп жойларида бўлгани каби Марказий Осиё минтақасида ҳам бир неча давлатларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнашган. Шу билан бирга, бу минтақадаги мамлакатлар ўзларининг геосиёсий манфаатларини кўзлаган давлатлар билан ана шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда ва ўзаро манфаатли ҳамкорликдан келиб чиқиб муносабат ўрнатишган. Чунончи, Ўзбекистоннинг АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон каби давлатлар билан ўрнатган муносабатларида, аввало, томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, қолаверса, ана шу давлатларнинг геосиёсий манфаатлари эътиборга олинган ҳолда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдек улуғвор мақсад кўзда тутилган. Бу Марказий Осиёда Ўзбекистон юритаётган ташқи сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Аслини олганда Марказий Осиёдаги тинчлик ва хавфсизликдан нафақат минтақадаги мамлакатлар, балки бу мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ўрнатган бошқа давлатлар ҳам, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти ҳам манфаатдордир. Чунки, минтақавий хавфсизлик орқали ер юзида тинчлик ўрнатилишига эришилади. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа халқаро институтлар, шунингдек, қўшни давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатиш билангина эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам Марказий Осиёда барқарор тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Бир неча йил олдин БМТ ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро институтлар иштирокида Тошкентда халқаро анжуман ўтказилганлиги катта тарихий воқеа бўлган эди. Бу анжуман Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси ва БМТ Бош котибининг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган эди. Унинг самараларини минтақадаги бугунги тинч ва барқарор вазиятда, ҳамкорлик натижаларида кўриб турибмиз.

Ўзбекистон қайси халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этмасин, унинг ишида самара бўлиши учун курашиб келяпти. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини олайлик. Тўғриси, Ўзбекистон аъзо бўлгач, бу ташкилот фаолиятида ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистоннинг таклифлари аниқ қарорлар қабул қилиш учун асос бўляпти. Давлат раҳбарларининг Санкт-Петербургдаги саммитида ҳам, ташқи ишлар вазирларининг Тошкентдаги учрашувида ҳам минтақада тинчликка ва хавфсизликка таҳдид қилиши мумкин бўлган барча салбий ҳолатларга қарши кураш билан боғлиқ вазифалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этишга қарор қилинганлиги ана шулардан энг муҳимидир. Хитой Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги фаолиятига катта баҳо бермоқда. Бу баҳо мамлакат раҳбарларининг сўзларида ва матбуотга берган интервьюларида ўз ифодасини топмоқда.

2

Умуман, Ўзбекистон ҳеч бир халқаро ташкилот фаолиятида хўжакўрсинга, мамлакат нуфузи учун номигагина иштирок этмайди. Аксинча, ташаббуслар билан чиқиб, таклифлар киритиб, қатъиятлилик кўрсатиб, дунё сиёсат оламида Ўзбекистоннинг ўз ўрни ва ўз сўзи борлигини намоён қилишга интилади. Жумладан, бундай фаоллик БМТ қарорларининг ижросини таъминлашда БМТ Бош котибининг ваколатини кенгайтириш, Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг сонини ошириш ва унга янги номзодлар кўрсатиш, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш, минтақавий можароларда қатнашаётган давлатларга қурол сотиш ва қурол-яроғ етказиб беришни назорат қилиш сингари амалий таклифларда яққол намоён бўлди.

Шубҳасиз, собиқ СССРнинг парчаланиши жараёнида тинчликни сақлаш ва барқарорликни таъминлашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижобий аҳамият касб этди. Ўзбекистон бу ташкилот фаолиятида ҳам изчил иштирок этиб келар экан, қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига катта аҳамият бермоқда. Ваҳоланки, МДҲда бу ҳолатни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Давлат раҳбарлари, бош вазирлар, ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги ва бошқа даражадаги учрашувларда ҳужжатлар имзоланяпти, қарорлар қабул қилиняпти, аҳдлашувларга эришиляпти, бироқ барибир МДҲ доирасида муаммолар сақланиб қоляпти. Бунга сабаб шуки, МДҲнинг ичида «иккилик», «тўртлик»... дегандай турли мустақил сиёсий, иқтисодий, ҳарбий тизимларнинг пайдо бўлганлигидир. Бу бўлинишлар МДҲнинг ижро механизмига тўсқинлик қилади. Аниқроғи, МДҲни мақсад ва интилишлари турлича давлатларнинг қоғоздаги уюшмасига айлантириб қўяди. Тўғри, МДҲ саммитларидаги самимий суҳбатлар, дўстона дийдорлашувлар, мунозарали мулоқотлар, ўзаро аҳдлашувлар ва кенг фикр алмашувларнинг аҳамияти беқиёс. Бу қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини таъминлаш имконини бермаса-да, МДҲга аъзо давлатлар ўртасида пайдо бўладиган муаммоларнинг ечимини топиш учун қулай муҳит яратади. Аслида бугунги МДҲни ана шундай ҳолат сақлаб турибди. Ички бўлиниш эса асаббузарлик ва беқарорликдан бошқа ҳеч нарса бераётгани йўқ.

Масалан, МДҲ аъзоси бўлган икки давлат — Россия билан Белоруссия ўртасида тузилган иттифоқни олайлик. Бу сиёсий иттифоққа етти йилдан ошди. Бироқ ҳалигача юридик ва иқтисодий асосга эга бўлган сиёсий ечим топилгани йўқ. Мунозаралар, муҳокамалар, тортишувлар ҳамон давом этмоқда. Бу иттифоқ қандай мақомга эга бўлиши керак? Бири иккинчисини ютиб юборадими ёки иккита тенг ҳуқуқли давлатнинг иттифоқи бўладими? Унда иқтисодий ҳамда миллий-этник тенгсизликдан келиб чиқадиган муаммолар қандай бартараф этилади? Энг муҳими, бошқариш жилови кимнинг қўлида бўлади? Томонларнинг ёндашувлари турлича бўлгани учун ҳам бу саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Вазият шундайки, томонлар баъзан иттифоқ билан фахрланиб қолишса, баъзан муроса йўлини тополмай кескин баёнотлар бериб қолишади. Бу — МДҲнинг ичида бўлаётган ҳолат. Бу — бир тизим ичидаги бўлиниш туфайли юз бераётган вазият. Бу — иқтисодий манфаат билан сиёсий манфаат ўртасидаги курашнинг самарасиз натижаси. Назаримда, Россиянинг ҳозирги раҳбарияти сиёсий манфаат деб иқтисодий манфаатни бой бермасликка ҳаракат қилмоқда. Ўз навбатида Белоруссияда ҳам иқтисодий манфаат деб сиёсий манфаатни бой берадиганлар кўп эмас.

3

МДҲ ичидаги «иккилик» шундай аҳволда турган бир пайтда шу йилнинг сентябрь ойида Ялтада «тўртлик»ка асос солинди. Яъни, тўрт давлат раҳбарлари ягона иқтисодий ҳудуд (ЯИҲ) ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашди. МДҲ ичида яна бўлиниш. Тўрт давлат раҳбарлари чиройли баёнотлар беришди, бир-бирларини маъқуллашди, бошқаларни ҳасад қилмай, ҳавас қилишга чақиришди. Бу байрамона тантана Қора ва Азов денгизлари ҳавзасида юз берди. ЯИҲ шартномасига қўл қўйган икки қўшни давлат раҳбарлари Азов денгизидаги Бирючий оролчасида учрашиб, ҳамкорликнинг истиқболларини муҳокама қилишди. Орадан атиги бир ой ўтиб, шу ҳавзанинг ўзида, яъни Азов денгизининг Керч бўғозида борйўғи бир неча юз метрлик оролча учун томонлар ўртасида келишмовчилик юз берди. Вазият тез кунда кескинлашиб, икки давлатнинг президентлари ва бош вазирларининг аралашувини тақозо этди. Айри сиёсатчилар, парламент ҳамда ҳукумат аъзолари ҳозир ҳам бу масалага жиддий тус беришмоқда. Томонлар ўзларини ҳақ деб ҳисоблашади. Бу масала энди икки давлат ўртасида жиддий музокара мавзуси бўлади.

Мен ягона иқтисодий ҳудуднинг истиқболлари ҳақида башорат қилмоқчи эмасману, лекин мана шундай сиёсий ранг берилган майда-чуйда ҳолатлар ҳам аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай катта шартнома ва қарорлар ижросини йўққа чиқариши мумкин. МДҲ ичида туғилаётган бошқа тизимлар ҳам яхлит ҳолда унга аъзо бўлган мамлакатлар манфаатига хизмат қилмайди. Аксинча, улар МДҲ саммитларида қабул қилинаётган қарорларнинг тўлиқ ва изчил бажарилишига халақит бериши мумкин.

Сўзсиз, МДҲ керак. Бироқ, унга аъзо мамлакатлар ўз манфаатларини кўзлаб ва ўзгаларга таъсир ўтказиш мақсадида майда тизимларга бўлиниб ҳаракат қилмасликлари лозим. МДҲ ўзининг Низомига ҳамда халқаро мақомга эга ташкилот. Муносабатга, кайфиятга, вазиятга қараб бўлиниш унинг мавқеини пасайтириб, ижро механизмини сусайтириб юборади.

Ўзбекистон БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ишида иштирок этар экан, ҳамиша уларнинг фаолиятини жонлантириш ва таъсир кучини ошириш учун курашиб келмоқда. Унинг бу ҳаракати ер юзида тинчликни сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишига қўшилган муносиб ҳисса сифатида эътироф этилмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## ҚЎЛ ТЕЛЕФОНИ — УЙ ТЕЛЕФОНИ



АҚШ ҳукумати қўл телефонидан фойдаланаётган айрим абонентларга қўл телефони рақамини уй телефони рақамига улаб олишларига рухсат берди. Бу борада коммуникация бўйича федерал комиссия томонидан қарор қабул қилинди.

Мазкур янги қоида шу йил 24 ноябрдан мамлакатдаги йирик шаҳарларда кучга киради. АҚШнинг қолган ҳудудларида эса келгуси йил 24 мартдан амалга жорий этилади, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Reuters агентлигининг маълум қилишича эса, АҚШ сенати юк самолётлари учувчилари ёнида қурол олиб юришига рухсат берди. Бу билан улар самолётни террорчилар ҳужумидан ҳимоя қиладилар.

Маълумки, 2001 йили қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, йўловчи самолётларининг учувчилари ёнида қурол олиб юриши ихтиёрий қилиб белгиланганди. Энди эса мазкур қонунга яна қўшимча киритилди.

## МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

Жанубий Кореяда фаолият юритаётган нолегал ишчилар учун белгиланган муддат ўтган ҳафта жума куни тугади. Улар шу кунгача фаолиятини расмийлаштириши ёки мамлакатдан чиқиб кетиши керак эди. Бошланган текширувда ноқонунийлик аниқланса, белгиланган тартибда чора кўрилади.

Жанубий Корея Адлия вазирлиги берган маълумотларга қараганда, мамлакатдаги 230 минг ажнабий ишчидан 120 мингга яқини мамлакатдан чиқариб юборилади. Уларнинг деярли барчаси Осиё давлатларидан келган.

Жанубий Корея ҳукумати эндиликда мамлакатдаги нолегал ишчилар фаолиятига қарши қаттиққўллик билан сиёсат юритмоқда. Муҳожирларни «элак»дан ўтказиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан иборат 50 та махсус бригада кечадан фаолиятини бошлади, дейилади Reuters ахборотида.



Франция кўчаларида саёҳат

# БЎЛСА, БАРАКА НАҚД

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Бир сўз билан айтганда: банк ва мижоз мақсади муштараклиги айни шу «тадбиркорлик бурчак»ларидан бошланади.

**Рақамлар кўзгуси:**

- Бошқарма бугунги кунда 4596 та тадбиркорлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Бунинг 789 таси якка тартибдаги тадбиркорлар, 3923 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 884 таси эса бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.
- Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит қўйилмаси 1200663 минг сўм бўлиб, 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида «Пахта банк»нинг шаҳар ва туман бўлимлари кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз маблағи ҳисобидан 692713 минг сўм, бюджетдан ташқари фондлар эвазига 72150 минг сўм, жами — 764862 сўмлик кредит ажратди.
- 2003 йил бошидан буён якка тартибдаги тадбиркорларга ҳаммаси бўлиб, 71100 минг, деҳқон ва фермер хўжаликларига 311550 минг, кичик корхона ва микрофирмаларга 382210 минг сўм кредитлар ажратилди.
- Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан жами — 72150 минг сўм кредит берилди. Жумладан, Бандлик жамғармаси маблағларидан 29000 минг, Бизнес Фонд маблағларидан 40150 минг, ДФХУ ҳисобидан 3000 минг сўмлик кредитлар ажратилди.

**Ўтган йилга нисбатан қиёсий таҳлил:**

2002 йилда жами ажратилган кредит маблағлари: саноатни ривожлантириш учун — 107600 минг, қишлоқ хўжалигига — 451100 минг, айланма маблағларни тўлдириш ва савдони ривожлантириш учун — 111500 минг, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга — 65300 минг, бошқа тармоқларни кредитлаш учун — 29400 минг сўм миқдорида турли муҳим йўналишларга ажратилди.

Бу йил эса кичик ва ўрта бизнес субъектларига йил бошидан ажратилган кредитларнинг 66 фоизини ўрта муддатли кредитлар ташкил қилди. Улар ҳисобига вилоятда 562 та ишчи ўрни яратилди. Бунинг 420 таси банкнинг ўз маблағи, 142 таси бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига бўлди.

**Микрокредитлар ва минибанк:**

«Пахта банк»нинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жорий йил мобайнида ажратилган микрокредитлар 403700 минг сўмга етди. Бу — банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 347300 минг сўмни, бюджетдан ташқари фондлар маблағи ҳисобидан эса 56400 минг сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 38-6-сонли қарорига мувофиқ Янгибозор туманидаги «Маданият», «Боғолон», «Бўзқалъа», «Халқобод», «Ўзбекистон», Шовот туманидаги «Шовот» ва Гурлан туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида мазкур хўжаликлар таркибида банк бўлимлари томонидан мини банклар очилди.

**Сўнгги сўз:**

Ат «Пахта банк» Хоразм вилоят бошқармасида ёшлар ва ёш мутахассисларни тарбиялашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Уларнинг касбий фазилатларини юксалтиришда мураббийларнинг амалий ёрдами ҳар қачонгидан кучайтирилган. Бошқарма сўнгги ойларда ўз фаолиятини тобора ривожлантира бориб, банкнинг актив ва пассивларини мукаммал бошқариш, молиявий барқарорликни таъминлаш, банк ликвидлиги ва даромадлигини оптимал даражада сақлаш, рискларни оқилона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда келгуси стратегик йўналишларни белгилашга эътибор қаратмоқда. Хусусан, банк капиталини кўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфели сифатини яхшилаш, мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш жамоа диққат марказида турибди.

Шунингдек, бошқарма хусусий ресурслар базаси ва корпоратив акциялар билан операциялар салмоғини ўстириш ҳамда халқаро фаолиятни янада кучайтириш йўлида ҳам катта изланишлар олиб бормоқда. Банк операциялари ва хизматларининг янги турларини жорий этиш ҳамда банк фаолиятидаги мавжуд имкониятларнинг янги қирраларини намоён қилиш, уларни маркетинг нуқтаи назаридан таҳлиллаш жараёнида самарали ишлар юритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бошқарма жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, ширкатлар аҳволини яхшилаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мижозлар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш масалаларида уларга зарур маслаҳат хизматлари кўрсатмоқда. Мақсад битта: банк ва мижоз манфаатлари муштараклигини таъминлаш!

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

t

Муносабат

# ЮКСАЛИШ ФИДОЙИЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

## РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ ЎҚИБ КЎНГИЛГА КЕЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Спорт жонкуяри бўлган муҳаррир бир куни спорт журналистларимизнинг материаллари сийқалашиб бораётган ҳақида куюниб гапирди ва мендан шу мавзуда мақола ёзиб беришни сўради. Мен унга ҳамфикр эканлигимни айтиб, бундай мавзуда ёзишга тайёр эмаслигимга иқрор бўлдим. Кўп ўтмай иккаламиз хушвақт учрашдик. Чунки, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида нафақат иккаламиз, балки барча спорт жонкуярларимиз дилидаги гапни — спорт журналистларимизнинг бугунги фаолияти тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни айтганди.

Юртбошимиз бу долзарб масалани таҳлил қилиб, республикамизда спорт журналистикасини ривожлантириш борасида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори мана шу эзгу ниятлар ҳосиласидир.

Дарҳақиқат, кечаги кунимизда спорт мавзусида қалам тебратаётганлар таҳлил-мушоҳадалардан тобора узоқлашиб, қуруқ баёнчилик, ҳайбаракаллачилик томонига ўтишаёзганди. Эсимда, бир спорт шарҳчиси телевидениеда 9 яшар болакайнинг хорижий мамлакат чекка кенти спорт клуби очиқ биринчилигида ўз ёш гуруҳида ғолиб чиққанини, у бу ғалабаси билан Ўзбекистонни шу мамлакатга, жаҳонга танитганини жўшиб гапирди. Эртаси кун унга юртимиз мустақилликка эришганига кўп йиллар бўлганини, Ўзбекистон аллақачондан нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо эканлигини, Президентимиз шу мамлакатга икки бор расмий ташриф билан борганини, шу давлат раҳбари ҳам диёримизга расмий ташриф билан келиб-кетганини, қолаверса профессионал спортчиларимиз Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатларида ғолиб чиққанини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Президентимиз таъкидлаганларидай, биз болаларимизнинг қайси тоифадаги мусобақа бўлмасин ғолиб чиқишса қувонамиз, кўксимиз фахр-ифтихорга тўлади. Лекин бу ғалабаларнинг шарҳларда, мақолаларда жуда сийқалаштирилиб юборилишини ҳазм қилолмаймиз, холос.

Газетада «таниқли теннисчимиз нуфузли халқаро мусобақада ғолиб чиқди, унинг шарафига корт узра юртимиз байроғи кўтарилди. Давлат мадҳиямиз жаранглади», деган сўзларни ўқиб қолдим. Муаллифига ўзингиз юртимизда ўтказилаётган шундай нуфузли теннис мусобақаларини кузатиб борасиз, уларда ғолиб шарафига давлати байроғи кўтарилиб, мадҳияси янграганини кўрганмисиз, дея сўрадим. Агар ҳозирги кунда телевидениеда теннис мусобақалари мунтазам ёритилаётганини ҳисобга олсак, бундай тақдирлаш маросими ўтказилмаслигини оддий мухлис ҳам билади. Аммо спорт журналисти ҳисобот ёзаётганда бемалол хаёлига эрк беради.

Неча йиллардан буён футбол учрашувларидан уюштирилаётган репортажларда, шарҳчиларнинг «дарвоза устуни футболчиларимизни муқаррар голдан сақлаб қолди», деган ҳайқириғини тинглаб келамиз. Ҳайронман, майдон чеккасига қотириб қўйилган дарвозанинг иккита устуни қандай қилиб футболчиларимиз дарвозасини муқаррар голдан сақлаяпти экан? Ёки майдонга тушган 11 нафар футболчимиз юртимиз шаънига муносиб ҳимоя этмаётганини кўргандан кейин ўзбек футбол мухлислари ранжиб қолмасин дея ҳатто дарвоза устуни жойидан қўзғалиб дарвозамиз дахлсизлигини сақлаяптимикин?! Қанийди, дарвоза устунлари эмас ғалабаларни илҳақ кутаётган футболчиларимиз, уларга камарбаста мутасаддиларимиз жойларидан қўзғалишса!

Президентимиз юртимизда спортни ривожлантиришга бағишланган йиғилишда: «Ҳар бир ишнинг устувор йўналишини белгилаб олмасдан туриб, уни амалга ошириб бўлмайди», — деган эдилар. Юқорида зикр этилган қарорда оммавий спорт тарғиботини кучайтиришнинг устувор йўналиши белгиланган. Бу Ўзбекистон телевидениесида махсус «Спорт» телеканалининг ташкил этилаётганидир. Негаки, телевидениенинг қамрови кенг, имконияти катта. Таъсирчанлик борасида ҳеч бир оммавий ахборот воситаси телевидениега тенглаша олмайди. Демак, телевидениедаги спорт кўрсатувлари савиясини кўтариш юртимизда оммавий спорт тарғиботини намунали йўлга қўйдик, дейишимиз билан баравар.

Баъзан телевидениеда ишлаётган бир спорт шарҳловчисининг иддаоси эсимга тушади. У телевидениега ишга келганда бошқа муҳарририятларда ўрин бўлмагани учун спорт шарҳловчилигига қўйилганини, ўша кунгача спортга қизиқмаганини, ҳозир бу ишни эплаб юрганини айтганди. Дарҳол таниқли рус спорт шарҳловчиси Нина Еремина кўз олдимга келади. Еремина машҳур баскетболчи, кўп карра жаҳон чемпиони бўлган. Катта спортда фаолиятини тугатгач, радиога ишга таклиф этилган. Тўрт йил давомида машҳур диктор Юрий Левитан ва таниқли спорт шарҳловчиси Вадим Синявский қўл остида тайёргарлик кўргандан кейингина тортиниб эфирга чиққан. Яна ўн йил радиода ишлаб малакасини оширгач, бахтли тасодиф туфайли телевидениеда спорт шарҳловчилик фаолиятини бошлаган. Ҳа, телевидение ана шундай кутлуғ даргоҳ. Бу билан ҳар бир спорт шарҳловчисини 14 йиллик синовдан ўтказиш керак, дейишдан йироқман. Фақат телевидениеда спорт шарҳловчилиги катта масъулият, шараф эканлигини унутмаслик керак.

Улкан дарахтнинг илдизлари ҳам бақувват бўлади, деган ҳикмат бор. Улуғ ишга киришган вақтимизда халқимизнинг бой маънавий меросига, сўз мулкимиз султонлари асарларига яна бир карра назар ташлашимиз лозим. Истардимки, спорт журналисларимиз ҳатто жаҳон чемпионлари ҳақида ёзишганда ҳам Ҳазрати Алишер Навоийнинг Паҳлавон Маҳмудга берган қуйидаги таърифини: «Невчунки ул, агарчи куч ва забардастликда замоннинг мунфариди эркондур, аммо куштидонлиғ ва забардастлиғда ҳам андоқ экондур ва бу тойифадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилмайдур», ёдда тутсалар. Шундан кейин Навоий Паҳлавон Маҳмуднинг бошқа ажойиб фазилатларини таърифлаган. Ҳолбуки, гап қишлоқ спорт клуби очиқ биринчилигида ғолиб чиққан 9 ёшли болакай ҳақида эмас, минг йилда бир марта дунёга келадиган полвон ҳақида бормоқда. Қабул қилинган қарорда «Спорт» телеканалининг асосий вазифаси сифатида биринчи навбатда «Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш», этиб белгиланганлиги шу фикр-мушоҳадаларни билдиришга ундади. Чиндан ҳам юртимизда оммавий спортнинг ривожланиши, соғлом турмуш тарзининг қарор топиши қандай мақтовлар ёзишимизга эмас, халқимиз спорт маданиятининг юксалишига боғлиқдир.

Спорт журналистларининг асосий вазифаси халқимиз ўртасида жисмоний маданиятни юксалтириш, юртимизда оммавий ва профессионал спортни ривожлантириш экан, бу борада тўпланган ҳам миллий, ҳам умумбашарий тажрибаларни ўрганишимиз зарур. Шу ўринда шоҳмот фидойиси Мамажон Муҳиддиновни ёдга олайлик. У шоҳмотга бағишланган 50 тача китоб, 5 мингдан зиёд мақола ёзди, республика газета-журналларида шоҳмот танловлари ўтказди. Хуллас, юртимизда шоҳмотни ривожлантиришга боғлиқ барча хайрли ишларга бош қўшди.

Бу муҳтарам шоҳмот фидойисининг ижод йўли ёш спорт журналистларига ибрат эмасми? «Ўзбекистон овози» газетасида ишлаган Аҳмад Исмоилов яхшигина спортчи бўлган, кейин спорт тарғиботчиси сифатида ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган. Шу газетада ишлаган Турғун Пўлат ва Ҳамидулла Тожибоев ҳам спорт мавзусида ўзларига хос ажойиб тарзда ёзишлари билан тилга тушган. Ўзбекистон радиосининг шарҳловчиси Раҳим Аминов, «Правда Востока» газетасида ишлаган Серафим Мельников, «Спорт» газетасида фаолият кўрсатган Евгений Романико, «Тошкент ҳақиқати» газетасида спорт мавзусидаги мақолалари билан назарга тушган Соат Мусаев ва бошқа ўнлаб шу соҳа заҳматкашларининг ижодий тажрибалари ёш спорт журналистларига ибрат бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда спорт журналистикасида маълум ютуқларга эришилган. Улардан бирининг — франциялик спорт журналисти Габриэл Ано хизматини эслашимиз жоиздир. Сабаби жаҳон футболи ривожига таъсир кўрсатиб келаётган Европа чемпионлари кубоги мусобақалари айнан унинг таклифига кўра уюштирилган. Эътибор беринг, журналистларнинг биргина оқил таклифи футболни ривожлантиришга қандай самарали таъсир кўрсатяпти! Бу мусобақалар ҳисоботини ёзишдан қўли бўшамайдиган спорт журналистларини фикрлашга ундайди, деган умиддамиз.

Тўғри, ҳозирда спорт тарғиботини намунали йўлга қўйишда муаммолар йўқ эмас. Бироқ биз, спорт журналистлари шу соҳада ижод қилаётганимиздан қувонишимиз керак. Биринчидан, юртимизда спортни ривожлантиришга мунтазам равишда давлат миқёсида эътибор бериб келиняпти. Иккинчидан, энди измимизда «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бор. Эндиги гап шу қарор бандларини ҳаётга изчил татбиқ этишимизда, ҳар биримизнинг ўз ўрнимизда фидойилик кўрсатишимизда қолган.

**Асрор МЎМИНОВ**

Болалар спорти



**Нишон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида айни пайтда таллимаржонликларнинг 430 нафар ўғил-қизи спортнинг кураш, футбол, волейбол, самбо, баскетбол ва стол тенниси турлари билан шуғулланишмоқда.**

**— Мактабимиз тарбияланувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келишяпти, — дейди 2-БЎСМ директори Муҳиддин Тўраев. — Бўлимларимизда спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг 130 нафарини қизлар ташкил этади. Уч йилдирки, волейболчи қизларимиз вилоятимизда энг кучли деб топилиб, мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика мусобақасида воҳамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Самбочимиз Дилмурод Мавлонов (75 кг.) шу йил март ойида Бухорода ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди ва СамДУнинг жисмоний маданият факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.**



**Суратларда:** спорт усталигига номзод, мураббий Халил Намозов шогирдларига кураш сирларини ўргатмоқда; мураббий Шерали Юсупов ёшларга стол теннисидан машғулотлар ўтмоқда.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар.**

Ҳикматли сўзлар маъноси

## Керак бўлса, терак йиқилар

«Керакка терак йиқилар»; «Керак теракни йиқар»; «Йўқни керак топтирар, Ёлғиз отни соттирар». Ўтмишда бирор иморат қуриладиган бўлса, унинг тўсинлари, устунлари, тоқилари, синчлари, эшик-деразаларига жуда кўп ёғоч керак бўларди. Шунда ёғоч етмай қолса, уй қурдираётган одам уста мардикорларнинг қўлини ушламаслик, вақтни бой бермаслик учун узоққа бориб ўтирмасдан, кўркам бўлиб, савлат тўкиб, соя бериб, керак бўлиб турган теракни йиқитиб, ёғоч қилиб, ишлатиб юборишга мажбур бўлиб қоларди. Мазкур мақоллар тўғри маънода ана шундай ва шунга ўхшаш ҳолларни ифода этган. Мажозан: «Киши бирор нарсага бениҳоя зарурат сезган тақдирда ўзига керак бўлиб, кунига яраб турган нарсасининг баҳридан ўтишга, сотиб пул қилиб, эҳтиёжига ишлатишга мажбур бўлади», дейилмоқчи.

## Керакли тошнинг оғирлиги йўқ

Бу мақолнинг изоҳига бир ҳикоя келтирадилар. Унинг қисқача мазмуни шундай: Карвон туяларга юк ортиб, йўлга чиқибди. Бир ерга борганда бир той юкини (молини) сотибди. Кейин бир туянинг юки сингар (тоқ) бўлиб қолипти. Туяга бир сингар юкни ортиш жуда қийин. Бир амаллаб ортилган чоғида ҳам, оғирлик туянинг бир ён бошига тушиб, уни яғир ва майиб қилиб қўйиши мумкин. Шунда карвонбоши одамларига: «Сой тошидан келтиринглар», деб буюрибди. Келтиришгач, туянинг бир томонига ҳалиги сингар юкни, бир томонга эса сой тошини қопга солиб орттирибди. Одамлар бундан таажжубланиб: «Ахир бу тош туяга оғирлик қилади-ку», дейишибди. «Обкашда бир челак сувни кўтаргандан — икки челак сувни кўтарган ўнғай. Бу ҳам худди шундай гап», дебди карвонбоши. Бир ерга боришгач, ҳалиги туянинг қолган юкини ҳам сотишибди. Шундан кейин карвонбоши қопдаги тошни иккига тақсим қилиб, усти бўшаган туяга ортишни буюрибди. «Энди бу тошнинг нима кераги бор? Туяга уволку!» дейишибди одамлар. «Ортаверинглар, — дебди карвонбоши, — керакли тошнинг оғирлиги йўқ». Мазкур мақолни мажозий маънода шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда ишлатадилар.

### Тузатиш

Газетанинг ўтган сонидаги «Ким ҳақ, ким ноҳақ?» сарлавҳали мақоланинг сўнгги хатбоши қуйидагича тузатиб ўқилсин: «Яна шуни айтмоқчимизки, у С.Каримовнинг қилмишлари ҳақида прокуратурага мурожаат этиши лозим эди. Прокуратура эса С.Каримовни ҳимоя қилган, ишга тиклаган, судга протест келтирган».

Интер-спорт

## ПУЛЛАРИНИ ЎМАРИБ КЕТИШДИ

Дублин шаҳрида номаълум кимсалар футболчилар жойлашган меҳмонхонага бостириб киришди. Бу ерда Канада терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувига ҳозирлик кўраётган Ирландия футболчилари дам олаётган эди. Икки нафар қуролланган киши юзига ниқоб тортиб, футболчиларнинг пулларини ўмариб кетишди. Дублин полициясининг маълумотларига қараганда, босқинчилар BMW русумли қизил машинада ғойиб бўлишган. Ҳеч ким жароҳатланмаган. Футбол учрашуви эса ирландлар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Боиси, улар «Евро-2004» чемпионатида курашни давом эттириш имкониятини бой бермасликка ҳаракат қилишмоқда.


# «СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ

**Барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли**

**«АНТИФРИЗ — ТА-39»ни**

чекланмаган миқдорда **СОТАДИ.**

**Манзил:** *Тошкент ш., А.Икромов туман, ҳалқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.*

**Тел: 47-53-45; 47-03-06**


## КАСПАРОВ ҲИСОБНИ ТЕНГЛАШТИРДИ

Моҳир шоҳмотчи Гарри Каспаров X3D Fritz супер компьютери билан бўлган учинчи учрашувда бундан 55 йил илгари қўлланилган усулдан фойдаланди. Шундан кейин компьютер қийин аҳволда қолди. Боиси, ҳисоблаш машинаси экран қаршисида турган инсон боласининг тафаккури олдида ожиз эди. Каспаров эса хуфиёна вазиятни юзага келтирганди. Бу, компьютернинг ўйинни давом эттиришга имкони қолмаганидан нишона бўлди. Гарри биринчи учрашувни дуранг қилиб, иккинчисида марказдаги пиёдани бой бериш билан қўпол хатоликка йўл қўйиб, ютқазганди. Якунловчи учрашув эса бугун бўлади. Агар Каспаров ғолиб келса 200, ютқазса 150 минг АҚШ долларига эга бўлади.




Диққат аукцион!

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 19,26 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

Савдоларга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Мироқилов кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,03 гектардан иборат бўлган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилади. Бошланғич нархи – 2 772 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

***Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.***

# ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ш.Рашидов номли акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 48,6 фоиз акция пакетини сотиш бўйича 2003 йил 2 декабрь соат 11[00] да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.*

*Ўтказиладиган танлов савдосининг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:*

*— танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган сармоядор сотилиши белгиланган акция пакетининг бошланғич баҳосидан 5 фоиз, яъни 20'560,4 минг сўм миқдорда қўмитанинг махсус хисоб-китоб ва Марказидаги махсус ҳисоб рақамига (Тошкент шаҳар Бошқармасининг ҳисоб-китоб ва касса Марказидаги махсус ҳисоб рақами 21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696) кафолат маблағини тўлаш:*

- *сотилиши белгиланган 48,6 фоизлик давлат активи акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш:*
- *акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес- режани тақдим этиш:*
- *акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий ҳолатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.*

***Танлов савдосида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий сармоядорлар таклифлари 2003 йил 1 декабрь соат 18[00] гача қабул қилинади.***

***Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қуйидаги манзилга 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига бевосита ёки 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.***


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази жамоаси бош ҳисобчи А.Иминовга онаси **МУБОРАК ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Зикриллаевлар оиласи ўзининг қадрдон дўсти **Шароф ИСОМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғларига, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:** Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:** O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:** 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 0060
7621 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA